

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № Е-хат/ 23

Андижон ш.

“17” 09 2022 йил

“Andijan Digital City Texnologik Parki Direktsiyasi” МЧЖ, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директори З.Саматов оркали, бир томондан ва Ехат.uz ширкати асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, номидан О. Шадиев оркали мазкур шартномани қуйдагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”ни “Е-Хат” химояланган ягона коорпоратив электрон почта тизимида ишлаши учун техник барқарорлигини таъминлаш (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) хизматларини кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. «Бажарувчи» хизматларни кўрсатади, Буюртмачи эса хизматларни қабул қилиб, шартномада белгиланган муддатларда хизмат хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони ва нархи ўзаро келишилган ҳолда бўлиб мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилган.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ белгиланган хизматларнинг тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

2.1.3. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташқари ёки бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. “Хизматлар” учун олдиндан 30% тўлов амалга оширилгандан сўнг “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ehat.uz сайтидаги «Порядок оформления и необходимые документы» да кўрсатилган тартиб бўйича ҳужжатларни 3 иш кун ичида тақдим қилиш мажбуриятини олади;

2.2.3. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.4. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмида узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

2.4.1. «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 2.2.2-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилганидан сўнг 5 иш кунда “хизматлар”ни кўрсатиш.

2.4.2. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда бепул тузатиб бериш.

2.4.3. Кўрсатилган “Хизматлар” бўйича бир йиллик кафолат муддати бериш ҳамда шу муддатда юзага келган носозликларни бартараф қилиш (агар носозлик “Буюртмачи”нинг айби билан етказилмаган бўлса);

2.4.4. Буюртмачига 1 йил давомида “Е-Хат” химояланган ягона корпоратив электрон почта тизимини техник қўллаб қувватлаш телефон орқали;

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 1 дона учун ҚҚС билан (1 йиллик 1 донаси 406 295) (Тур юз олти минг икки юз туксон беш сум) сўмни ташкил этади.

3.2. Юқорида кўрсатилган суммадан шартнома умумий сумманинг 30% фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўланади, якуний тўловнинг 70 % миқдори ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

3.3. Ҳисоб-фактура “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га топширилади ва 5 кун ичида “Буюртмачи” ёзма ёки факс орқали эътироз билдирмаса ҳисоб-фактура олинган деб ҳисобланади ва имзоланган ҳисоб-фактурани қайтариши лозим бўлади.

3.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Хизмат кўрсатилиши ehat.uz сайтидаги «Тарифы» булимидан «Тарифи на оказание услуг» тартибида хизмат курсатилади ва «Порядок оформления и необходимые документы» да кўрсатилган тартиб бўйича ҳужжатлар тақдим

килинганидан сунг хизмат кўрсатиш учун белгиланган давлат стандартлари, техник шартлар ва бошқа шартларнинг бўлиши шартли.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлимларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Хизмат кўрсатувчи шартноманинг амал қилиш муддати давомида дастурнинг такомиллаштирилган версияларини exat.uz сайти орқали Буюртмачига бепул етказиб беради.

4.5. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.4. Фойдаланувчи томонидан Электрон рақамли имзо ёки Е-калит йўқотилганда

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита ҳужалик судига муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома ғазначиликда рўйхатга олингандан сўнг 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиди бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ


«Бажарувчи»

«Буюртмачи»


"Andijan Digital City Technologik Parki Direktsiyasi" MCHJ		
(ижрочининг номи)		
Манзили	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси 2 уй.	
тел/факс	(99855) 201-21-21	
х/р	20208000105284390001	
банк номи	"Ипак Йули" АИТ банкининг Андижон филиали	
МФО	01120	СТИР 307769144
ХХТУТ	58290	



Директор _____ 3. Саматов



Мухр ўрни _____



Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик (фритъ)ни субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги конунга мос равишда тузилиб, тарафларнинг мақбул рақамлари тўғри ва вакилларнинг имзо чекиш ҳуқуқларини эга эканлиги тасдиқланди. Шартномани томонлар ўртасида имзоласа бўлади деб ўзимнинг ҳуқуқий ҳулосамни бераман

Handwritten signature: V. Namozimov

“Andijan Digital City Texnologik Parki Direktsiyasi” MЧЖ

ва Ёшлар ишлари агентлиги Андишон вилоят башқармалари (филиалнинг номи)

томонидан " 17 " 07 2022 йилда тузилган

№ Е-хат/ 23 шартномага ИЛОВА.

ХАРАЖАТЛАР КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ ҚҚС билан

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - Сўм

№	Харажатлар	Сумма
1.	"Буюртмачи"ни "Е-Хат" химояланган ягона корпоратив электрон почта тизимида ишлаши учун ЭРИ	
2.	"Е-Хат" химояланган ягона корпоратив электрон почта тизимини йил давомида техник қўллаб қувватлаш	
	ЖАМИ:	406 295

Шартноманинг умумий суммаси 406 295 (Икки миллион беш юз уттиз тукқиз минг уч юз кирк уч сум 75 тийин) сўмни ташкил қилади.

БАЖАРУВЧИ

БУЮРТМАЧИ

“Andijan Digital City Texnologik Parki Direktsiyasi”
MЧЖ

Директор:  З.Саматов

М.Ў.



Ёшлар ишлари агентлиги
Андишон вилоят башқармалари

Раҳбар:  О.Абдурашидов

М.Ў.

